



1. Фарз даражадаги муҳаббат;
2. Фазилат даражадаги муҳаббат.

Фарз даражадаги муҳаббат деганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий билан билдирилган барча ҳукмларни рози бўлиб, улуғлаб ва тўлиқ таслим бўлиб, қабул қилиш тушунилади. Яъни, у зотнинг Аллоҳ таоло ҳузуридан келтирилган барча шаръий ҳукмларини муҳаббат билан қабул қилиш, ҳар бир мўмин кишига фарз ҳисобланади.

Фазилат даражадаги муҳаббатда эса, мусулмон кишининг барча ишларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига тақлид қилиб яшашни яхши кўриши тушунилади. Яъни, ейиш-ичиш, кийиниш, муомала ва ҳақозо ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида у зотнинг кўрсатмаларини ўрнатиб қилиб яшашга муҳаббатли бўлиш, ҳар бир мўмин киши учун улуғ фазилат бўлади.

Маълумки киши "Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ" (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг элчисидир) дейиш билан мусулмонга айланади. Муҳаммад алайҳиссаломни "Аллоҳнинг элчиси" деб эътироф этишнинг ўзи у зотнинг буйруқларига бўйсунганини, берган хабарларини тасдиқлашни, Аллоҳга у зотнинг кўрсатмаларига кўра ибодат қилишни тақозо қилади. Шу маънода у зотни яхши кўриб улуғлаш, ибодат ҳисобланади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳақиқий таниш орқали у зотга нисбатан қалбда муҳаббат юзага келади. Шу муҳаббат туфайли киши у зотни ҳамма инсонлардан яхши кўрадиган бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни энг яқиндан таниган зотлар, яъни саҳобалар у зотни улуғлаб яхши кўришда ҳам бошқаларга намуна бўлганлар.

"Шарҳу шифо" асарида қуйидаги ривоят келтирилган:

Али розияллоҳу анҳудан Расулуллоҳга бўлган муҳаббатларингиз қандоқ эди, деб сўраганларида у зот: "Аллоҳга қасамки, у зот бизга молларимиздан ҳам, болаларимиздан ҳам, оталаримиздан ҳам, оналаримиздан ҳам, чанқоқ кишига салқин сувдан ҳам маҳбуброқ эдилар", дея жавоб берганлар.

Ибн Касир роҳматуллоҳи алайҳининг "ал-Бидая ван-Ниҳая" асарларида қуйидаги ривоят келтирилган: Мушриклар асирга тушган Зайд ибн Дасина розияллоҳу анҳуни ўлдириш учун ҳарамдан ташқарига олиб чиқдилар.



Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Унинг олдида мен ёдга олинганимда менга салавот айтмаган кишининг бурни ерга ишқалсин". (Термизий ривояти)

Эътибор берадиган бўлсак, ташаҳҳудда, хутбада, жаноза намозида, азондан кейин, дуо қилаётган пайтда ва ҳақозо кўплаб ибодатларда у зотни улуғлаб салавот айтиш жорий қилинган.

Б) Набий алайҳиссалом ҳақларида одобга риоя қиладиган киши, у зотни кўпроқ ёдга олишга ҳаракат қилиши керак: Муҳаммад алайҳиссаломни кўпроқ ёдга олиш, инсонларга у зотнинг суннатларини таълим бериш, мартабалари ва ҳақларини билдириш каби ишлар билан амалга оширилади.

В) Набий алайҳиссалом ҳақларида одобга риоя қиладиган киши, у зотнинг номларини ҳамиша ҳурмат билан тилга олиши керак: яъни, у зотнинг исмларини айтишда, пайғамбарликларини ифодаловчи "набий" ё "расул" сифатлари билан бирга айтиш керак.

Г) Набий алайҳиссалом ҳақларида одобга риоя қиладиган киши, у зотнинг масжидларига алоҳида ҳурмат кўрсатиши керак: яъни, у зотнинг масжидларида, қабрларининг ёнида шовқин-сурон қилмаслик ва баланд овозда гапирмаслик лозим бўлади.

Д) Набий алайҳиссалом ҳақларида одобга риоя қиладиган киши, у зотнинг шаҳарлари Мадинаи мунавварага алоҳида ҳурмат кўрсатиши керак: яъни, Мадинаи мунавварада яшовчиларга ва унга кирган барча мусофирларга Муҳаммад алайҳиссаломнинг шаҳарлари ҳурматини сақлаш вожиб бўлади.

Е) Набий алайҳиссалом ҳақларида одобга риоя қиладиган киши, у зотнинг ҳадисларини улуғлаши керак: Ҳадиси шарифларни айтаётган вақтда ёки эшитиш пайтида Расулуллоҳнинг сўзларига ҳурмат кўрсатиш керак. Ҳурмат кўрсатиш деганда асосан қуйидаги ишларга риоя этиш тушунилади:

1. Ҳадисларни ўрганишда холис Аллоҳ розилигини кўзлаш;
2. Ҳадисларни ёйиб савоб олишни умид қилиш;
3. Эшитган ҳадисларига амал қилиш;
4. Ҳадиси шарифларни ривоят қилишда виқор билан ўтириш;



Мўминлар ораларида чиққан келишмовчиликларда Расулуллоҳни ҳакам қилишлари лозимлигини Аллоҳ таолонинг Ўзи буюрган:

مَوْسُفَنَّا فِي اَوْدَجِي الْ مُمْثَمُهَنْبَرَجَش اَمِي فَكُومُكْحِي سِتَحَ نُونُمُؤِي الْ كَبَرَوَا لَف  
اَمِي لَسَت اُوْمَلَسُي وَتِي ضَق اَمَم اَجَح

Йўқ, Роббингга қасамки, сени ўз ораларида чиққан келишмовчиликларга ҳакам қилмагунларича, кейин, чиқарган ҳукмингга дилларида танглик топмасдан, бутунлай таслим бўлмагунларича, зинҳор мўмин бўла олмаслар!

Шунинг учун пайдо бўлган масалаларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмаларига кўра ҳал қилиш иймон тақозоси ҳисобланади.

6. У зотни ҳимоя қилиш.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилиш у зотга бўлган муҳаббатнинг энг улкан аломатларидан ҳисобланади. Тарих китобларида саҳобаларнинг у зотни душман ўқларидан таналари билан тўсганлари баён қилинган. У зот вафотларидан кейин эса душманларнинг бўҳтонларидан у зотнинг пок сийратларини ҳимоя қилиш ҳар бир мусулмонга лозим бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилиш тушунчаси бир қанча ишларни тақозо қилади:

А) Расулуллоҳни ҳимоя қилиш у зотнинг саҳобаларини ҳам ҳимоя қилишни тақозо қилади; Саҳобаларни пайғамбарлардан кейинги инсонларнинг энг афзаллари, деб эътиқод қилиб, уларни фақат яхши сифатлар билан ёдга олиш лозим.

Б) Расулуллоҳни ҳимоя қилиш у зотнинг аёлларини ҳам ҳимоя қилишни тақозо қилади;

Яъни, Расулуллоҳнинг аёлларини Аллоҳ таоло охири замон пайғамбарига жуфт бўлишини ихтиёр қилган энг афзал аёллар, деб эътиқод қилиш ва улар ҳақидаги турли бўҳтонларни рад қилиш лозим.

7. У зотнинг суннатларини ҳимоя қилиш.

Расулуллоҳнинг суннатларини ҳимоя қилиш, деганда уларни ёдлаш ҳамда бузғунчи ва жоҳилларнинг нотўғри талқин қилишларига қарши курашиш

тушунилади.

## 8. У зотнинг суннатларини ёйиш.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини инсонларга таълим бериб, уларнинг ёйилишига хизмат қилиш, у зотга бўлган муҳаббат ва эҳтиромнинг юксак намунаси ҳисобланади. У зотнинг ўзлари суннатларини аниқлик билан етказганларнинг ҳақларига дуо қилганлар:

أَيُّ شَأْنٍ مَعَمَّ سَأْزُمُ الْهَلَلِ رَضَنْ لِقَوِّي هَلَلِ الْوُسْرُ تَعَمَّ سَلِاقٍ دُعُوسَمَنْ بِنَعِ  
يَذْمُرْتَلْهَ أَوْرَ عَمَّ أَسْ نَمَّ عِوَأَعْلَبُ مَبْرَفُ ، عَمَّ سَأْمَكُ عَعْلَبَفُ

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Биздан бир нарсани эшитиб, эшитганидек етказган кишини Аллоҳ неъматлантирсин. Эҳтимол хабар етказилган киши эшитувчидан кўра фаҳмловчиروқдир”, деяётганларини эшитдим.  
(Термизий ривояти)

Хулоса қилиб айтганда, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари ва суннатларини муҳаббат билан ўрганиш, асосий мақсадга элтувчи восита ҳисобланади. Асосий мақсад эса ўрганган суннатларни ҳаётга татбиқ этиш ва одатга айлантириб олишдир. Аллоҳ таоло ҳаммамизга мақсадларимиз йўлида собитқадам бўлишимизни насиб қилсин.

Оламлар Роббисига ҳамду санолар, У зотнинг элчиси бўлган саййидул башарга салавот ва саломлар бўлсин.

Абдулқодир Абдур Раҳим